

UZBEKISTAN STATE UNIVERSITY
OF WORLD LANGUAGES



АРАБСКИЙ ЯЗЫК В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

"اللغة العربية في عصر العولمة : مناهج
وأساليب تدريس مبتكرة"

المؤتمر العلمي والعملية الدولي

ARABIC LANGUAGE IN THE ERA OF GLOBALIZATION: INNOVATIVE APPROACHES AND TEACHING METHODS

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE



2023



O'ZBEKISTON DAVLAT
JAHON TILLARI UNIVERSITETI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON DAVLAT JAHON TILLARI UNIVERSITETI TARJIMONLIK
FAKULTETI ARAB TILI TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI KAFEDRASI

**“ARAB TILI GLOBALLASHUV DAVRIDA:
INNOVATSION YONDOSHUVLAR
VA O‘QITISH METODIKASI”**

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

**"اللغة العربية في عصر العولمة : مناهج
وأساليب تدريس مبتكرة"
المؤتمر العلمي والعملي الدولي**

**ARABIC LANGUAGE IN THE ERA OF GLOBALIZATION:
INNOVATIVE APPROACHES AND TEACHING
METHODS**

international scientific and practical conference

18-dekabr 2023-yil

TOSHKENT - 2023



СЎЗЛАР РАҚСИ: ЎЗБЕК БАДИИЙ САНЪАТИДА ОМОНИМЛАР

Раънохон Муталибжоновна Худжаева,
*А.Навоий номидаги ТДУТАУ, Тажима назарияси ва
амалиёти кафедраси доценти, PhD.
bagira81@inbox.ru*

Аннотация. *Ушбу мақолада омонимларнинг ўзбек санъатида қўлланиши ўрганилади. Омонимлар бир хил, ammo маъноси ҳар хил бўлган сўзлардир. Улар ўзбек санъатида муҳим ўрин тутиб, бетакрор шеърий образлар яратиш, товуш билан ўйнаш имконини беради. Ушбу мақолада омонимларнинг ўзбек санъатида қўлланилишига оид турли мисоллар кўриб чиқилади ва кўриб чиқилади, уларнинг ўзбек маданиятининг эстетик қиймати ва ижодий ифодасига таъсири атрофлича кўриб чиқилади.*

Калит сўзлар: *Ўзбек санъати, омонимлар, товуш, маъно, шеърий образлар, эстетик қадрият, ижодий ифода.*

ТАНЕЦ СЛОВ: ОМОНИМЫ В УЗБЕКСКОМ ХУДОЖЕСТВЕННОМ ИСКУССТВЕ

Рано Муталижоновна Худжаева,
*PhD, доцент кафедры Теории и практики перевода, ТГУУЯЛ имени А. Навои
bagira81@inbox.ru*

Аннотация: *Данная статья исследует использование омонимов в узбекском искусстве. Омонимы являются словами, имеющими одинаковое звучание, но различное значение. В узбекском искусстве они играют важную роль, предоставляя возможность для создания уникальных поэтических образов и игр со звучанием. Эта статья обдумывает и разбирает различные примеры использования омонимов в узбекском искусстве, а также подробно изучает их влияние на эстетическую ценность и творческое выражение узбекской культуры.*

Ключевые слова: *Узбекское искусство, омонимы, звучание, значение, поэтические образы, эстетическая ценность, творческое выражение.*

DANCE OF WORDS: HOMONYMS IN UZBEK LITERARY ART

Ranokhon Mutalibjonovna Khudjaeva,

PhD, Associate Professor of the Department of Theory and Practice of Translation,
TSUULA named after A.Navai.
bagira81@inbox.ru

Abstract. This article explores the use of homonyms in Uzbek art. Homonyms are words that sound the same but have different meanings. They play an important role in Uzbek art, providing an opportunity to create unique poetic images and play with sound. This article ponders and examines various examples of the use of homonyms in Uzbek art, and examines in detail their influence on the aesthetic value and creative expression of Uzbek culture.

Key words: Uzbek art, homonyms, sound, meaning, poetic images, aesthetic value, creative expression.

Ўзбек халқининг қадимги маданияти, қадриятларини ўзида мужассам этган Ғ.Ғулумнинг ҳаммага севиб ўқийдиган “Шум бола” асари ҳисобланади. Бу асарда ҳам шубҳасиз омонимик қаторлар қўлланилган. Лекин таржимон ўз таржимаси орқали лингвомаданиятни акс эттирган омонимик сўзни семантик маъноси тўғри танланмаганлиги сабаб таржима хато бажарилган. Мисол учун:

| АСЛИЯТ | ТАРЖИМОН | МУАЛЛИФ ТАРЖИМАСИ |
|---|---|---|
| <p>“Ноилож қолдим, тухумни қалпоқчамга солиб қўйиб олдим-да, ошхонага кирдим. Онам мени тергай бошлади. Мен жимгина қулоқ солиб, ўчоқнинг ёнига чўққайиб, ўт қалаштира бошладим”.</p> | <p>“I was silent and began to turn on the stove”.*</p> | <p>I was sitting in a silence by hearing, near to uchak, then started to make a fire.</p> |

Мисолдан кўришимиз мумкинки, ўзбек тилидаги “ўт” омонимик қатори ўт₁ – олов (ўт ёқмоқ, ўт қаламоқ ва ҳ.к.), ўт₂ – ёввойи ўт (алаф); ўт₃ – жигардан ажралиб чиқувчи сарғиш-яшил рангли аччиқ суюқлик каби семантик маъноларга эга. Бу мисолда ўзбек миллатига хос бўлган сўз “ўчоқ” сўзи қўлланган. Бу сўз ўт қалаштириш маъноси билан уйғунлашиб кетган.

* И.Тўхтасинов. У.Юлдошев таржимаси



Яна бир мисолни таҳлилга тортсак, ўзбек шоираси Зулфиянинг "Баҳор келди сени сўроқлаб" шеърининг таржимасида "ёш" ва "соз" омонимлари нотўғри таржима қилинганини кузатиш мумкин:

| АСЛИЯТ | ТАРЖИМА (расмий онлайн кутубхона сайтидан олинди) | МУАЛЛИФ ТАРЖИМАСИ |
|---|--|---|
| <p>Мана қимматлигим, яна баҳор келиб, Сени излаб юрди, кезде сарсари. Қишнинг ёқасидан тугиб сўради сени, Ул ҳам ёш тўқди-ю, чекинди нари.</p> | <p>Here, my dear, spring is coming again, He was looking for you, he was wandering around. He grabbed you by the collar and asked you, He too was young, and he withdrew.</p> | <p>Oh my dear, spring has come again, He was searching for you in great pain. And he asked you from wintertime, So shed tears like rain and felt it in vain.</p> |

| АСЛИЯТ | ТАРЖИМА (расмий онлайн кутубхона сайтидан олинди) | МУАЛЛИФ ТАРЖИМАСИ |
|--|--|--|
| <p>Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда, Ҳаётни куйлайман, чекинар алам, Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда, Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!</p> | <p>Hijra is in my heart, your word is in my hand, I sing life, the pain of retreat. You dream at night, I remember the day, As long as I live, so do you!</p> | <p>Even my heart feels the severance, with my own song I compliment my life that releases the pain Even my dreams fly with your resemblance overnight and morning, I still alive that you are the life!</p> |

Шеърда қўлланган иккита омонимик қаторни Ўзбек тили изоҳли луғатида қуйидаги семантик майдонга эга: (луғатдан аслидай олинди)

Ёш I – Қаттиқ оғриқ, қайғу ёки кучли севинч-шодлик ва ш.к. натижасида ёш безларидан ажралиб чиқадиган тиниқ шўр суюқлик.

Ёш II – туғилган вақтдан бошлаб яшаб ўтказилган йиллар жами; умр узоқлиги.

Соз I – розилик, рахсат, келишув, мослик, мувофиқлик.

Соз II – тор, мусиқа асбоби.

Соз III – қамиш, қамишзор.

Таржимон шеърининг биринчи парчасидаги "ёш" омонимик қаторининг биринчи омоним маъноси таржимада қўлланиши ўрнига, иккинчи омонимни олган. Кейинги қисмида эса "соз" омонимик қаторининг иккинчи маъноси таржимага олинди керак эди, таржимада эса "сўз" дея таржима этилган. Кўриб турганингиздай ўзбек тили сўзларида ҳам бир ҳарф орқали бутун бир маъно ўзгариши мавжуд.

Айтиш жоизки, асарлардаги ёки матндаги омонимик сўзларни тушуниш жиддий тўсиқ эмас, чунки сўз маълум бир контекстда ишлатилса,

унинг маъноси атрофдаги сўзларнинг маъноси билан осонгина аниқланади, яъни бунда таржимон тадқиқотимиз жараёнида илмий асосланган **"контекстуал ассоциатив таржима"** усулидан фойдалангани маъқул. Бундан ташқари, омонимия ҳодисасинин бадий асарларда қўлланиши маълум даражада ижобий рол ўйнайди, хусусан, сўзларнинг стилистик таъсирини янада оширишга имкон беради.

Асарлар таржимасида таржимон маҳоратини сўз танлаш ҳам кўрсатади. Бу асосан синоним ва омонимларни тўғри танлашдир. Омонимлар функционал вазифаларига кўра турли нутқий вазиятларда ҳар хил вазифаларни бажаради. Бунинг учун уларнинг реаллашувини аниқлаш фақат бадий матн орқали амалга оширилади. Айрим таржимонлар асл нусхадаги сўзни таржима тилидаги эквиваленти билан алмаштириб қўядилар. Контекст мазмунига эътибор қилмаган ҳолда уни луғатда учраган дастлабки таржимаси билан бериб қўя қоладилар. Натижада омоним сўзнинг керакли маъноси қолдирилиб, унинг ўрнига бошқа маъноси ишлатилади. Бу ҳолат эса таржима адекватлигига путур еткази.

Масалан, *light₁* – ёруғ, ёрқин, ялтироқ, ранги очиқ деб таржима қилинади, *light₂* – *енгил* маъносида келади. Таржиманинг "синиши"ни шу сўзлар мисолида Ж.Свифтнинг "Гулливернинг саёҳатлари" ва Войничнинг "Сўна" романларида учратишимиз мумкин. Рус таржимонлари уларни ҳар икки асарда ҳам омонимлар билан алмаштириб қўйганлар, яъни *"светлый, яркий"* сўзлари ўрнига *"лёгкий"* сўзи ишлатилган.

Масалан, *"His dress was very plain and simple and fashion of it between the Asiatic and European. But he had on his head a **light** helmet of gold. Adorned with jewels and plume on the crest"*.

Ўзбек тилида: *"Императорнинг кийими оддий ва камтарона, андозаси ҳам европаликлар, ҳам осиеликларникига ўхшаб кетади, бошида қимматбаҳо тошлар қадалган, тукпар тақилган **енгилгина** олтин дубулға"*.

Яна бир мисол, *"I will go home and fetch that riding-cloak of mine. Rivers. I think you will be less recognizable in it than in your **light** suit"*.

Ўзбек тилида: *"Уйдан йўл плашимни олиб келиб берай сизга. Риверс. Бу **енгил** костюмдан кўра, унда сизни таниш қийинроқ бўлар"*.

Бадий асарларда омонимлар қўлланиши ёки таржима қилиш ҳақида гап кетганда, таржимон таржимада тўқнашаётган иккала тилнинг луғатини қай даражада билишига боғлиқ. Айнан эквивалентни танлаш учун таржимон энг аввало унинг олдида омонимлар борлигини, унинг матнга мос ёки хослигини англаши керак. Агар у буни тушунган бўлса-да, лекин мақсадли тилда мослик топмаса, у тиллараро трансформация усулларида бирини қўллаши мумкин. Уларга "таржимоннинг сохта дўстлари" шон-шарафига сазовор бўлган омонимларнинг асосий ҳавфи уларни жуда кўп сонли интернационализм ва симметрик диалектлардан ажратиб қўйишдир, яъни, турли тиллардаги сўзлар нафақат шакл жиҳатидан ўхшаш, балки ўхшаш маънога эгаллигидир.



Фойдаланган адабиётлар руйхати:

1. Джурабаева, М.А. Аффиксальная омонимия в узбекском языке...Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Т.:, 1975.
2. Мадвалиев, А. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати", – Тошкент, 2006-2008
3. Худжаева, Р.М. Генетик боғланмаган лексик омонимлар самарадорлиги. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2017.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. И, ИИ, ИИИ, ИВ, В жилдлар – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.
5. Тўрабеков, Ҳасан таржимаси. Ёшлар нашриёт уйи тошкент – 2019. УЎК 821.133.1-31 КВК 84(4Фра). С 91. Стендал Қизил ва қора: 1830-йил хроникаси: Роман. Русчадан Ҳ. Тўрабеков тарж. – Т.: Ёшлар нашриёт уйи, 2019. – 576мMerriam-Webster's Collegiate Dictionary, Eleventh Edition, 2020, 1,664 p
6. NOVEL: A Forum on Fiction Vol. 22, No. 1 (Autumn, 1988), Published By: Duke University Press. pp. 24-44
7. Stendal, (Henri Beyle) "The red and the black" (Le Rouge et le Noir) Franc. 2 vols. ISBN 0-521-34982-6. 1830
8. Walter William Skeat An Etymological Dictionary of the English Language Izd. 2 Clarendon Press. 1893. – r. 844
9. Whilford H.C. A dictionary of English homonyms, pronouncing and explanatory. –L., 1899.



| | |
|--|-----|
| I. Kaxarova. Nutqning ta'sirchanligini oshirishda undov so'zlarning o'ziga xos grammatik xususiyatlari | 631 |
| Z.B. Atabayeva, M.Y. Umarova. Jahon adabiyotida faustchilik an'anasi va uning variatsiyalari | 636 |
| П. Габибуллаева. Заимствованные слова в произведениях даргинских писателей и поэтов | 640 |
| Х.Б. Самигова, Ш. Жураева, М. Зокирова, Р. Умаралиева. Эркалаш-кичрайтиришга оид тил бирликлари этимологиясига назарий ёндашув | 644 |
| О'У. Sulaymonova. Manipulative speech discourse features | 648 |
| F.G. Zakirova. IIV Xodimlari va kursantlari tibbiy-ijtimoiy kompetentligini takomillashtirishda shaxslararo muloqot ma'nosini tushunish refleksiyasidan foydalanish | 652 |
| Sh.M. Kalimbtov. Emotsiya tushunchalarining tilshunoslikda talqin qilinishi ingliz va qoraqalpoq tillari materialida | 656 |
| F.D. Sharipova. The peculiarities of teaching pragmalinguistic transformations | 660 |
| Sh.B. Mustafayev. Ta'lim muhitida virtual diskursning o'rni | 663 |
| K.T. Alimova. The culture of professional communication of the guide-translator | 667 |
| A.D. Ma'diyeva. Jahon adabiyotida an'anaviy obrazlar va ularning o'ziga xos xususiyatlari | 671 |
| G. Saydaxmedova. Field of fear in english and uzbek | 677 |
| Р.М. Худжаева. Сўзлар рақси: ўзбек бадий санъатида омонимлар | 682 |
| G.R. Vasliddinova. Italyan va o'zbek tillaridagi badiiy asarlarda uchraydigan emotsional – egressiv ifodalar tahlili | 687 |
| М.В. Дадамирзаева. Статус французского языка на территории стран магриба | 692 |
| М.Н. Bekmurodova, S. Mamatqulova. Lingvistika | 696 |
| О'А. Umarov, Sh.M. Muxamedov. Eron xalq ertaklari: Fors folklorshunosligida "افسانه" ("ertak") so'zining ilmiy atamasi | 702 |
| V.Sh. Nazarov. Chet tillarni o'rganish, o'qitish va baholashda multimedia ta'lim mahsulotlarining roli, ahamiyati hamda motivatsion xususiyatlari | 707 |